

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**

**НАЗАРОВА ШАҲНОЗА ИБАДУЛЛАЕВНА**

**ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИДА СИНОВ МОТИВЛАРИНИНГ**  
**ГЕНЕЗИСИ ВА ПОЭТИКАСИ**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**  
**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological  
sciences**

**Назарова Шахноза Ибадуллаевна**

Ўзбек халқ эртакларида синов мотивларининг генезиси ва поэтикаси . 3

**Назарова Шахноза Ибадуллаевна**

Генезис и поэтика мотивов испытания в узбекских народных сказках . 21

**Nazarova Shakhnoza Ibadullayevna**

Genesis and Poetics of Test Motives in the Uzbek Folktales..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 47

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**

**НАЗАРОВА ШАҲНОЗА ИБАДУЛЛАЕВНА**

**ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИДА СИНОВ МОТИВЛАРИНИНГ**  
**ГЕНЕЗИСИ ВА ПОЭТИКАСИ**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.2.PhD/Fil113 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг [www.tai.uz](http://www.tai.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net) манзилига жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Турдимов Шомирза Ганиевич</b> филология фанлари доктори
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Ёрматов Исомиддин Турғунович</b> филология фанлари доктори <b>Қаюмов Олимжон Садриддинович</b> филология фанлари номзоди
<b>Етакчи ташкилот:</b>	Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.46.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент, Шахрисабз тор кўчаси, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; fax: (99871) 233-71-44; e-mail: [uzlit@uzsci.net](mailto:uzlit@uzsci.net))

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2017йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б.А.Назаров**  
илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, академик

**Р.Баракаев**  
илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, филол.ф.н.

**Т.М.Мирзаев**  
илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, филол.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон фольклоршунослигида эпик асарларнинг сюжет тизимини структурал-семиотик жиҳатдан ўрганиш, хусусан, синов мотивларининг маросимий, мифологик ва ҳаётий асослари, матн қурилишидаги бадиий-эстетик вазифаси, бадиий намоён бўлиш шакллари тадқиқ этиш долзарб муаммолардан бири саналади ва бу миллатнинг маънавий қиёфасини намоён этади дея баҳоланади.

Мустақиллик йилларида миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми бўлган оғзаки ижод намуналарига янгича ёндашиш, уларни миллий, маданий, адабий, тарихий қадриятларимизнинг тикланиши манфаатлари нуқтаи назаридан тадқиқ этиш тамойиллари шаклланди. Зеро, “ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди”<sup>1</sup>. Фольклор асарларининг қайтадан холисона баҳоланиши, ўзбек халқининг ғурури бўлган “Алпомиш” достонининг минг йиллиги халқаро миқёсда нишонланиши, фольклор ижрочилигини рағбатлантириш ва турли даражадаги унвонларнинг таъсис этилиши, ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари 100 жылдигининг нашр этила бошланиши билан эпик турга тегишли асарларни турли метод ва назарий қарашлар асосида тадқиқ этиш, уларнинг сюжет таркибида етакчи ўрин тутувчи асосий мотивлар тизими, тарихий тараққиёт босқичлари ва бадииятини атрофлича ўрганиш имконияти янада кенгайди. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида илгари сурилган вазифалар асосида халқ ижоди асарларини ҳозирги замон жаҳон филологиясининг энг янги назарий концепциялари асосида тадқиқ этиш бугунги фольклоршунослигимизда етакчи тамойилга айланиши лозим. Чунки илм-фан, адабиёт соҳаларини янги поғонага олиб чиқиш ижтимоий соҳани ривожлантиришдаги устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланиши ушбу соҳадаги илмий изланишларга янада катта йўл очиб беради.

Жаҳон фольклор илмида синов мотивлари дастлаб этнографик, диний, психологик нуқтаи назардан ўрганила бошланган ва бу борада муайян натижаларга эришилган. Аммо синов мотивларининг тарихий-мифологик ва маросимий илдизларини очиб бериш, мифологик тасаввурдан поэтик тафаккурга ўтиш жараёнида уларнинг қандай бадиий-эстетик вазифаларни бажаришини аниқлаш каби масалалар, айниқса синов мотивларининг маросимлардаги маиший вазифаси эпик матнда бадиий-эстетик сатҳга кўчиши жараёнини кўрсатиш, синов турларининг эпик ижод табиатига уйғун равишда намоён бўлиш қонуниятларини очиб бериш орқали уларнинг халқ эртаклари таркибидаги бадиий вазифаларини ойдинлаштириш, муайян матн таркибидаги синов мотивининг асосий турларини таснифлаш

---

<sup>1</sup>Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 30.

фольклор асарлари поэтикасини кенг кўламда тадқиқ этишга асос бўлади. Шу боис синов мотивларининг ўзбек халқ эртакларидаги генезиси ва поэтикасини аниқлаш, ўзига хос шаклланиш жараёнларини ҳамда синов мотивлари замиридаги маънавий-руҳий асосларни таълим-тарбия жараёнига татбиқидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сонли “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қарори, 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сонли “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги VMQ № 222-сонли “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон фольклоршунослигида эпик асарларда синов мотивлари генезиси ва бадиияти юзасидан бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, уларда айни муаммога антропологик омиллар асосида юзага келган ҳаётий ҳодиса, этнографик омиллар натижасида пайдо бўлган ҳолат, теологик омилларга таянадиган, диний қарашларни ифодалайдиган алоҳида тушунча, руҳий ҳолатларни ифода этувчи жараён ва бадиий асар сюжет тизимини ҳосил қилувчи мотив сифатида ёндашилган.

Синов мотивлари дастлаб антропология, этнография, теология, психология фанлари доирасида ўрганилган бўлиб, Б.В.Тайлор, В.В.Вундт, К.Леви-Строс, Ж.Ж.Фрээр, З.Фрейд, Ҳ.Эллек сингари мутахассисларнинг ишлари юзага келган<sup>2</sup>. Синов мотивлари тадқиқининг иккинчи

---

<sup>2</sup>Тайлор Б.В. Первобытная культура. – М.: Политиздат, 1989. – 573 с; Wundt W.M. Elements of Folk Psychology: Outline of a Psychological History of the Development of Mankind. – L.: Read Books, 2007. – 560 p; Леви-Строс К. Структурная антропология. – М.: Наука, 1983. – 536 с; Фрээр Дж.Дж. Золотая ветвь. – М.: Политиздат, 1983. – 703 с; Ўша муаллиф. Фольклор в Ветхом Завете. – М.: Политиздат, 1989. – 544 с; Фрейд З. Тотем и табу. – М.: Олимп, 1998. – 448 с; Ellek H. Şeriat-Tarikat-Hakikat-Marifet Dörtlüsünde Şeriatın Yeri ve

босқичидагина бу ҳодиса алоҳида бадий муаммо сифатида ўрганила бошланган ҳамда бу борада А.Н.Веселовский, М.М.Бахтин, Ю.М.Лотман каби олимларнинг асар сюжетини синов мотивлари билан боғлиқликда таҳлил этилган тадқиқотлари юзага келди<sup>3</sup>. Кейинроқ В.Я.Пропп, В.М.Жирмунский, В.П.Аникин, Е.М.Мелетинский каби фольклоршунослар мазкур муаммони оғзаки ижод нуқтаи назаридан ўрганишни бошлаб бердилар ва бу П.А.Гринцер, С.Ю.Неклюдов, Л.Г.Бараг, М.Лигере, Ф.Х.Гезалов, С.Фатхуллаев, Н.Чистобаева, Б.Дайриймаа, О.Ингёнг, Ҳ.Зарифов, М.Афзалов, М.Саидов, Т.Мирзаев, К.Имомов, Х.Эгамов, А.Мусақулов, М.Жўраев, Ш.Турдимов, Ж.Эшонқулов, Н.Дўстхўжаева, З.Расулова сингари олимларнинг изланишларида у ёки бу даражада давом эттирилди<sup>4</sup>. Синов мотивлари турли фан тармоқлари ва аспектларида тадқиқ қилинган бўлса ҳам, ҳозирга қадар фольклор илмида, хусусан, ўзбек фольклоршунослигида ўзининг мукамал тавсифини топмаган. Шу маънода синов мотивларини батафсил ўрганмай туриб, сюжет ва мотив тадқиқи борасида мавжуд қарашларни бир тизимга келтириш, мотивлар ривожини тўла тасаввур қилиш орқали муайян асар моҳиятини бир бутунликда идрок этиш мумкин эмас.

---

Önemi // TURKISH STUDIES – International Periodical for the Languages, Literature and History of Turkish or Turkic. – Ankara, 2016. Volume 11/5. – P.249-268.

<sup>3</sup> Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – Л., 1989. – 406 с; Бахтин М.М. Романда замон ва хронотоп шакллари. – Тошкент: Akademnashr, 2015. – Б. 46-75; Лотман Ю.М. Об искусстве. – Санкт-Петербург: Искусство-СПБ, 2005. – С. 221-229.

<sup>4</sup>Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. – Л.: ЛГУ, 1946. – 340 с; Ўша муаллиф. Морфология сказки. – М.: Наука, 1969. – 168 с; Жирмунский В.М. Вопросы генезиса и истории эпического сказания об Алпамыше // Об эпосе «Алпамыш». – Ташкент: Фан, 1959. – С. 26-60; Ўша муаллиф. Тюркский героический эпос. – М.: Наука, 1974. – 728 с; Аникин В.П. Теория фольклора. – М.: КДУ, 2007. – 432 с; Мелетинский Е.М. Палеоазиатский мифологический эпос. – М.: Наука, 1979. – 230 с; Гринцер П.А. Эпос древнего мира // Типология и взаимосвязи литератур древнего мира. – М.: Наука, 1971. – С. 180; Неклюдов С.Ю. Богатырская сказка. Тематический диапазон и сюжетная структура // Проблемы фольклора. – М.: Наука, 1975. – С. 82-88; Бараг Л.Г. Этническое и межэтническое в сказочном эпосе восточнославянских народов // Проблемы фольклора. – М.: Наука, 1975. – С. 212-220; Лигере М. Влияние обрядности на создание поэтических образов в латышских народных песнях свадебного цикла // Проблемы фольклора. – М.: Наука, 1975. – С. 184-190; Гезалов Ф.Х. Структура азербайджанских волшебных сказок: Дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1990. – 153 с; Фатхуллаев С. Идеино-эстетическое своеобразие эпоса “Туругли” и его роль в духовной жизни таджикского народа: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Душанбе, 2004. – 24 с; Чистобаева Н.С. Героический эпос хакасов: тематика и поэтика: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Улан-Удэ, 2007. – 24 с; Дайриймаа Б. Художественно-стилевые особенности изображения героев монгольской сказки: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2010. – 29 с; Ингёнг О. “Алпомиш” ва “Жумўнг” дostonларининг киёсий-типологик таҳлили. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2014. – 220 б; Зарифов Х.Т. Основные мотивы эпоса «Алпамыш» // Об эпосе «Алпамыш». – Ташкент: Фан, 1959. – С. 6-25; Афзалов М.И. Ўзбек халқ эртаклари ҳақида. – Тошкент: Фан, 1964. – Б. 45-46, 95, 105; Саидов М. Ўзбек дostonчилигида бадий маҳорат. – Тошкент: Фан, 1969. – Б. 119, 158; Мирзаев Т. “Алпомиш” дostonининг ўзбек вариантлари. – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 91-93; Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008. – 252 б; Эгамов Х. Совет Шарқи туркий халқлари эртақчилик аъналари алоқалари тарихидан очерклар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – 344 б; Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан, 2010. – 308 б; Жўраев М., Расулова З. Миф, маросим ва эртақ. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2014. – Б. 20-190; Турдимов Ш. “Гўрўгли” дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. – Тошкент: Фан, 2011. – 240 б; Эшонқул Ж. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадий талқини. – Тошкент: Фан, 2011. – 304 б; Дўстхўжаева Н.Н. Ўзбек сеҳрли эртақларининг структурал таҳлили: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1999. – 175 б; Расулова З.Ж. Ўзбек халқ сеҳрли эртақларида “ғаройиб буюмлар”: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2012. – 26 б.

Мазкур тадқиқот синов мотивларининг тарихий ва мифологик илдизлари, мифологик тафаккурдан поэтик тафаккурга ўтиш жараёнида маълум ўзгаришларга учраши, матнда турли бадиий-эстетик вазифаларни бажариши ҳамда ўзига хос поэтик хусусиятлари монографик тадқиқ этилганлиги билан ўзидан аввал амалга оширилган ишлардан фарқ қилади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий-тадқиқот режаси ҳамда Ф1-ФА.2012-1-8 “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш масалалари” (2012-2021 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳаси асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** синов мотивларининг ўзига хос табиати, табиат кучлари, фетишизм, тотемизм, анимизмга оид мифологик тасаввурлар, шунингдек, маросим фольклори билан алоқадорликдаги генезиси, халқ эртаклари сюжетида тақиқ, шарт, шартлашишдан иборат муҳим халққа сифатидаги композицион ва бадиий-эстетик вазифалари, поэтик хоссалари, маъно қирралари моҳиятини очиб бериш ҳамда илмий таснифини яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

синов мотивларининг назарий асослари ва манбаларини ўрганиш;  
мифологик тасаввурлар ва маросим фольклори билан алоқадорликда синов мотивлари генезисини текшириш;

синов мотивларининг сюжет тузилишидаги ўрнини белгилаш ва уларнинг эпик асарлар таркибида тақиқ, шарт, шартлашиш тарзида бадиий намоён бўлишини аниқлаш;

синов мотивларининг турли кўринишлари ўртасидаги типологик муштараклик ва тарихий-генетик алоқадорлик сабабларини очиб бериш;

синов мотивларининг эпик асар таркибидаги бадиий-эстетик вазифаларини, асар ғоясини очишдаги аҳамиятини кўрсатиш;

синов мотивларини статистик таҳлил қилиш орқали уларнинг мавзуий таснифини ишлаб чиқиш;

синов мотивларининг ўзбек халқ эртакларига хос анъанавий тизими мавжудлигини исботлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўзбек халқ эртакларида учрайдиган синов мотивлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** синов мотивларининг турли семантик типларини ўзида намоён этувчи ўзбек халқ эртаклари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, структурал-семиотик ҳамда этнофольклористик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** куйидагилардан иборат:

синов мотивларининг эпик сюжетнинг муҳим халқаларидан бири эканлиги, мифологик тасаввурлар ҳамда қадимги маросим фольклори билан алоқадорликда келиб чиққанлиги очиб берилган;



синов мотивларининг тақиқ, шарт ва шартлашувдан иборат сюжет унсурлари мажмуи эканлиги, ҳар бир фольклор жанрида ўзига хос тарзда намоён бўлиши асосланган;

синовнинг шартлашиш тури фольклоршуносликда илк бор алоҳида тип сифатида ажратилган ва номланган, унинг ўзига хос хусусиятлари ва хоссалари аниқланган;

тақиқ ва шартларнинг, асосан, воқеалар аввали ҳамда ривожда, шартлашишларнинг воқеалар боши, ривож ҳамда якунида бўлиши, синов мотивларининг ҳомийга йўлиқиш, сафар, тутқунлик, ўлим ва қайта тирилиш мотивлари билан боғлиқлиги асосланган;

тақиқ, шарт ва шартлашишларнинг ўз поэтик жувфтларига эгаллиги ҳамда семантик турлари аниқланган;

синов мотивларининг эртақ сюжети ўзагини ҳосил қилувчи ва асосий ҳалқаларини туташтирувчи поэтик восита вазифасини бажариши исботланган;

синов мотивларининг эпик сюжетдаги ўрнига кўра эртақлар вариантчилигини юзага келтириши очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

синов мотивлари генезиси ва бадииятини тадқиқ этиш орқали чиқарилган хулосалар ўзбек фольклоршунослиги учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, мифология, эпосшунослик, эртақшунослик, маросим фольклори, лингвофольклористика каби фанлар бўйича яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган;

тадқиқотнинг ўзбек халқ эртақлари сюжет тизимини ўрганишда ишончли манбалардан бири бўлиб хизмат қилиши далилланган;

аниқланган синов мотивларининг турлари ўзбек фольклорида мотив ва сюжет типларини белгилашда, ўзбек халқ оғзаки ижодиётининг дунё фольклори билан типологик ўхшашликларини кўрсатиб беришдаги амалий аҳамияти аниқланган;

синов мотивларидаги қаҳрамонлик, ватанпарварлик, матонат, сабр-бардош ва садоқат ғоялари бугунги кун ўқувчисининг дунёқарашини ўстириш, тафаккурини шакллантиришда ҳамда жамиятнинг ахлоқий-маънавий такомилида муҳимлиги асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг таснифлаш, тавсифлаш, қиёсий-типологик, структурал-семиотик таҳлил каби усуллар билан асослангани, синов мотивлари генезиси ва бадииятини изоҳлашда ўзбек фольклорининг турли даврларига оид ишончли манбаларга таянилгани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар ўзбек фольклорининг поэтикасини тадқиқ этиш уфқларини кенгайтирибгина қолмай, унинг тарихий тараққиётида юз берган бадиий-семантик ўзгаришлар бўйича мавжуд маълумотларни тўлдиради ва бойитади. Синов мотивларининг семантик белгилари ва асар сюжетини

шакллантиришдаги поэтик хоссаларига оид қарашлар эпосшунослик ҳамда эртақшунослик фанларининг ривожига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, синов мотивларининг генезиси, уларнинг етакчи хусусиятлари, структурал-семантик жиҳатдан бажарадиган поэтик вазифалари ҳақидаги қарашлар ўзбек халқ оғзаки бадий ижоди бўйича яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг янада мукаммаллашувига, шунингдек, ўзбек фольклоршунослигида мотивлар кўрсаткичини яратилишига хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши** “Ўзбек халқ эртақларида синов мотивларининг генезиси ва поэтикаси” мавзуси асосида:

синов мотивлари генезиси, уларнинг поэтик хусусиятлари, бадий-эстетик вазифалари бўйича олинган илмий натижалардан “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш масалалари” фундаментал лойиҳасининг 19-жилди (“Гўрўғлининг туғилиши”: дostonлар)да берилган халқ дostonлари матни юзасидан кириш мақола тайёрлаш, илмий изоҳлар тузиш, синов мотивларининг ўзига хос талқинлари ва бахшилар бадий маҳорати билан боғлиқ жиҳатларни ёритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 18 июлдаги ФТА-02-11/343-сон маълумотномаси). Синов мотивларининг эпик тафаккур тараққиётини кўрсатиб беришдаги аҳамияти илмий далиллар асосида ўз исботини топган;

21-жилд (“Юнус пари”: дostonлар)да берилган халқ дostonлари матнида келган тақик мотивининг маъно қамрови ва поэтик хоссаларини асослаб бериш, лойиҳадаги матнлар тадқиқида синов мотивлари комплексига кирувчи *тақик, шарт, шартлашиши* каби терминлардан назарий истилоҳ сифатида фойдаланиш, синов мотивининг *шартлашиши* турини фольклоршуносликда илк маротаба илмий истилоҳ сифатида қўллашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 18 июлдаги ФТА-02-11/343-сон маълумотномаси). Синов мотивларининг, хусусан, шартлашишнинг алоҳида мотив сифатида ўз поэтик хоссаларига эга эканлиги илмий далиллар билан асослаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 13 та илмий иш, жумладан, 1 та рисола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан 5 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 150 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Синов мотивларининг ўрганилиши, генезиси ва етакчи хоссалари”** деб номланган биринчи бобида синов мотивларининг илмий-назарий ўрганилиши, юзага келиш омиллари ва поэтик сатҳдаги ўрни тадқиқ қилинган.

Мотив муаммоси кўплаб тадқиқотларда турли даражада ўрганилган бўлса-да, ҳозирга қадар унинг семантик доираси, ёндош ҳодисаларга муносабати, сюжет ривожининг қайси даври учун хослиги каби масалалар баҳсталаблигича қолмоқда. Бу, бир томондан, мотивнинг мураккаб ва ўзига хос ҳодиса эканлиги, иккинчи томондан, унга бўлган ёндашувларнинг турличалиги билан боғлиқ. Мотив борасидаги ишлар умумлаштирилса, уларда мазкур ҳодисага қуйидагича ёндашилганлиги маълум бўлади: 1) ёзма адабиёт ва фольклор табиатига кўра мотив атамасини изоҳлаш; 2) ёзма адабиёт қонуниятларига кўра мотивни баҳолаш; 3) мотивнинг соф фольклоршунослик муаммоси сифатида ўрганилиши; 4) антропологик, этнографик манбалар тадқиқи асносида мотивга ёндашиш.

Биринчи қарашга кўра, мотив ажралмас бутунлик бўлиб, миф ҳамда эртакнинг энг кичик унсуридир<sup>5</sup>. Иккинчи қарашга асосан, мотив сюжетнинг образли талқинидир, уни асар мавзуси белгилаб беради<sup>6</sup>. Учинчи қарашга кўра, мотив сюжетнинг асоси ва бу ҳодисани сюжет тизимидагина ўрганиш мумкин<sup>7</sup>. Тўртинчи қарашга асосан, антропологик, этнографик омиллар таъсирида юзага келган ҳаётий ҳодисадир<sup>8</sup>.

Юқоридаги изоҳларни умумлаштирак, синов мазмунини ифодаловчи кичик ҳаракат бирликларини синов мотивлари деб номлаш мумкин бўлади. Синов мотивлари ўрганилишида этнографик, этнологик,

<sup>5</sup>Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – Л., 1989. – 406 с.

<sup>6</sup>Фрейденберг О.М. Поэтика сюжета и жанра. – М.: Лабиринт, 1997. – 448 с; Шкловский В.Б. О теории прозы. – М.: ФЕДЕРАЦИЯ, 1929. – С. 27-32; Томашевский Б.В. Теория литературы. Поэтика. – М.: Аспект-Пресс, 1993. – 334 с; Лотман Ю.М. Об искусстве. – Санкт-Петербург, Искусство-СПб, 2005.– С. 222; Силантьев И.В. Теория мотива в отечественном литературоведении и фольклористике: очерк историографии. Новосибирск: МДМИ, 1999. – С. 104.

<sup>7</sup>Пропп В.Я. Историческое корни волшебной сказки. – Л.: ЛГУ, 1946. – С.8; Путилов Б. Мотив как сюжетобразующей элемент // Типологические исследования по фольклору. – М.: Наука, 1975. – С. 142-143; Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. – М.: Восточная литература, 1976. – 408 с.

<sup>8</sup>Levi-Strauss C. The structural study of myth // Journal of American Folklore, 1955. Volume 68. – №270. – P. 206-231; Dundes A. From Etic to EpicUnits in the Structural Study of Folktales // Journal of American Folklore, 1962. Volume 75. – №296. – P. 95-105.

диний ва психоаналитик тадқиқотлар етакчилик қилади; поэтик матнга боғлиқ тарзда таҳлил қилиш синов мотивлари ўрганилишининг иккинчи босқичидир.

Синовни антропология, этнология, этнография ва теология доирасида тадқиқ этиш Э.Б.Тайлор, Ж.Ж.Фрээр, К.Леви-Строс, В.В.Вундт тадқиқотларига хос бўлиб, уларда ибтидоий дин шакллари, ибтидоий бошқарув, никоҳ тузилмалари билан боғлиқликда ўрганилган. Мотивнинг психология объекти сифатида ўрганилиши психоаналитик З.Фрейд номи билан боғлиқ бўлиб, бунда таққ ўзининг синов мазмунидан узилади ва ундаги кўрқув руҳий касаллик сифатида текширилади<sup>9</sup>.

Синов мотивларини поэтик матнга боғлиқ тарзда ўрганиш орқали унинг ижтимоий муҳитдан поэтик сатҳга ўтганда маълум ўзгаришларга учраши, синов ғояси ва асар хронотопининг тўла алоқадорликка эгалиги, образлар функционаллагининг синов семантик белгаларига боғлиқлиги ҳамда мотивнинг эпос жанри таркибидаги трансформацион ҳолатлари аниқланган<sup>10</sup>.

Ўзбек фольклоршунослигида амалга оширилган деярли барча илмий тадқиқотлар мотив ва сюжет масаласига билвосита алоқадор. Ҳ.Зарифов, М.Афзалов, М.Саидов, Т.Мирзаев, К.Имомов, Ғ.Жалолов, Б.Саримсоқов, Х.Эгамов, А.Мусақулов, М.Жўраев, Ш.Турдимов, Ж.Эшонқул, Н.Дўстхўжаева, М.Содиқова, З.Расулова каби олимларнинг ишларида талқин ва таҳлилнинг бир тармоғи сифатида синов мотивлари муаммоси танланган бўлиб, уларда дoston ва эртак сюжетидаги синов мотивлари таҳлилига кўпроқ диққат қаратилган<sup>11</sup>. Ишда айни тадқиқотларнинг ютуқ ва камчиликларига ҳам эътибор берилди.

Маълумки, синов мотивларининг келиб чиқишида тарихийлик, этнографик тузилмалар, миф ҳамда маросим тизими муҳим ўрин тутди.

---

<sup>9</sup>Тайлор Б.В. Первобытная культура. – М.: Политиздат, 1989. – 573 с; Фрээр Дж.Дж. Золотая ветвь. – М.: Политиздат, 1983. – С. 27, 188-251; Ўша муаллиф. Фольклор в Ветхом Завете. – М.: Политиздат, 1989. – С. 55-108; Леви-Строс К. Структурная антропология. – М.: Наука, 1983. – С. 48; Wundt W.M. Elements of Folk Psychology: Outline of a Psychological History of the Development of Mankind. – L.: Read Books, 2007. – 560 p; Фрейд З. Тотем и табу. – М.: Олимп, 1998. – 448 с.

<sup>10</sup>Бу ҳақда қаранг: Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – Л., 1989. – С. 45; Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. – Тошкент: Akademnashr, 2015. – Б. 46-76; Лотман Ю.М. Об искусстве. – Санкт-Петербург, Искусство-СПБ, 2005. – С. 226-228; Пропп В.Я. Историческое корни волшебной сказки. – Л.: ЛГУ, 1946. – 340 с; Жирмунский В.М. Вопросы генезиса и истории эпического сказания об Алпамыше // Об эпосе «Алпамыш». – Ташкент: Фан, 1959. – С. 26-60; Аникин В.П. Русская народная сказка. – М.: УЧПЕДГИЗ, 1959. – С. 180-181; Мелетинский Е.М. Структурно-типологическое изучение сказки // Пропп В.Я. Морфология сказки. – М.: Наука, 1969. – С. 145-151.

<sup>11</sup>Зарифов Х.Т. Основные мотивы эпоса «Алпамыш» // Об эпосе «Алпамыш». – Ташкент: Фан, 1959. – С. 6-25; Афзалов М.И. Кўрсатилган асар. – Б. 45-46, 105; Саидов М. Кўрсатилган асар. – Б. 119, 158; Мирзаев Т. Кўрсатилган асар. – Б. 91-93; Имомов К. Дostonларда эртак мотивлари // Фозил шоир. – Ташкент: Фан, 1973. – Б. 97-104; Жалолов Ғ. Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1976. – Б. 102; Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент: Фан, 1986. – 216 б; Эгамов Х. Совет Шарқи туркий халқлари эртакчилик аънаналари алоқалари тарихидан очерклар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – 344 б; Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан, 2010. – 308 б; Жўраев М., Расулова З. Кўрсатилган асар. – Б. 20-190; Турдимов Ш. “Гўрўғли” дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. – Тошкент: Фан, 2011. – 240 б; Эшонқул Ж. Кўрсатилган асар. – Б. 151, 156; Дўстхўжаева Н.Н. Кўрсатилган диссертация. – 175 б; Содиқова М.А. Ўғай киз типидеги туркум эртакларнинг спецификаси, генезиси ва бадиияти: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2003. – 151 б; Расулова З.Ж. Кўрсатилган автореферат. – 26 б.

Синов мотивлари тадқиқида аввал инициация, сўнг никоҳ шартларига урғу берилади. Аммо тарихан инициация никоҳ маросимларида иштирок этиш ҳукуқини берувчи, яъни никоҳолди маросимлардан бири ҳисобланган. Жамиятда ота уруғи етакчилик қила бошлагач, никоҳга боғлиқлик мазмуни сақланган ҳолда, эркакларнинг асосий маросимига айланган. Мазкур маросимларни ўтказиш анъанаси туркий қабилаларда, хусусан, ўзбекларнинг қадим уруғлари орасида узоқ вақт давомида сақланиб келган. Маросим анъаналарига қатъий амал қилинган. Тақикни бузган, шартларни ўташдан бош тортган, муқаддас тартибга қарши чиққанларга нисбатан шафқатсиз чоралар кўрилган. Масалан, хатога йўл қўйган ўсмирни камчи билан савалаш, совуқ кунда устидан муздай сув қуйиш, гулхан устига осиб қўйиб тоблаш, замбилга боғлаб қўйиб кечаси мазористонда қолдириш каби жазолар қўлланган ва бу ҳукмлар муқаддас ҳисобланган<sup>12</sup>.

Инициация маросимининг ўтмиш қабилалар, хусусан, қадимги америка ҳиндулари ва австралия аборигенлари ҳаётида ҳам муҳимлиги Ж.Ж.Фрээр, К.Леви-Строс асарларида ҳам айтилади<sup>13</sup>. Муқаддас тақикларни бузгач, синовлардан ўтиб “покланиш”, яъни янги куч билан “қайта туғилиш” каби маросим белгилари қадим месопотамия, ҳинд ва юнон мифологиясидан ҳам кенг ўрин олган<sup>14</sup>. Бу маросим турли шаклларда ўтказилган бўлса-да, дунёнинг барча халқлари тарихида мавжуд бўлган деб хулоса қилиш мумкин. Маросимдан кўзланган бош мақсад балоғатга етмаган йигитнинг никоҳга киришишини тақиклашдир. Шунингдек, маросимнинг туб моҳиятида ўсмирни эр йигит сифатида қайта тарбиялаш, уни жисмонан чиниктириш ва руҳан янгилаш каби дидактик вазифалар ҳам назарда тутилган. К.Имомов фикрича, “Қирқ чилтон уюшмаси” бўз йигитлар ҳақидаги мифологик маросимнинг халқ оғзида қолган афсонавий намунаси ҳисобланади<sup>15</sup>. “Қирқ чилтон”, – деб ёзади С.П.Толстов, – культлаштирилган жамоа бирлашмасининг қарийб унутилган формаси. Ана шу ритуал-маросим дастлаб “эркаклар уюшмаси” шаклида давом этган<sup>16</sup>.

Маълум бўладики, маросим учта таянч нуқтага эга: инсоннинг тотемистик ишончи, анимистик тасавури ва никоҳ ҳодисаси. Инициация маросими никоҳ мазмунини йўқотмаган ҳолда уруғ-қабила ҳаётидаги энг муҳим маросимга айланган, никоҳ бўлса мустақил маросим сифатида ундан кейинги ўринга тушиб қолган. Бу босқични “никоҳ анъанасининг синов мотивининг ўзига хос ички турига айланиши” деб номлаш мумкин. Маросимнинг қисқача мазмуни шундан иборатки, никоҳдан олдин келин

<sup>12</sup>Снесарев Т.П. О религиях мужских союзов и истории народов Средней Азии. – М., 1964. – С. 5.

<sup>13</sup>Фрээр Дж.Дж. Кўрсатилган асар. – С. 646-654; Леви-Строс К. Структурная антропология. – М.: Наука, 1983. – С. 208-215.

<sup>14</sup>Lorimer H.L. Homer and the Monuments. – L., 1950. –P. 40-45; Мелетинский Е.М. Мифы древнего мира в сравнительном освещении // Типология и взаимосвязи литератур древнего мира. – М.: Наука, 1971. – С. 68-133; Гринцер П.А. Эпос древнего мира // Типология и взаимосвязи литератур древнего мира. – М.: Наука, 1971. – С. 134-206; Кун Н.А. Қадимги Юнонистон афсона ва ривоятлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 496 б.

<sup>15</sup>Имомов К. Кўрсатилган асар. – Б. 144.

<sup>16</sup>Толстов С.П. Древний Хорезм. – М., 1948. – С. 312.

ва куёв кураш тушган. Инициация маросимида ёвуз кучлардан халос бўлган, тотем қувватига эришган куёвгина келин билан курашда ғолиб чиқади, деб тушуниланган. Маросим келин ва куёв уруғи тотемининг рамзий кураши ҳамдир. Яна бир жиҳат борки, баҳсда куёвнинг енгиши ёки ютқизиши кўпинча келинга боғлиқ бўлган. Агар келин куёвга ён босса, у ютган. Қизнинг эркин танлов ҳуқуқини ифодаловчи бу маросим Қадим Ҳиндистонда “сваямвара” номи билан аталган<sup>17</sup>. Қадимги юнон миф ва афсоналарида ҳикоя қилинишича, қиз отасини енгган куёвга турмушга чиққан<sup>18</sup>.

Кўплаб этнографик маълумотларга таяниб айтиш мумкинки, Марказий Осиё худудида “Эркаклар уюшмаси”га параллел “Аёллар жамоаси” ҳам фаолият юритган. Бу “иттифоқ” матриархат даврида катта кучга эга бўлиб, никоҳ маросими шартлари улар томонидан ишлаб чиқилган ва бунда қизлар ҳам инициация шартларига ўхшаш шартларни бажарган, деб тахмин қилиш мумкин<sup>19</sup>. Маълумки, XX аср бошларида ҳам ўзбекларда куёв ўз қайнотаси ва келин томон вакиллари олдида ўтин ёриш, тўнка қовлаш каби синов шартларини бажарган<sup>20</sup>. Бундай мотивлар бадий матнга, албатта, айрим ўзгаришлар билан кирган. Бунда синов мотивлари ўз семантик белгиларига кўра уч йўналишда, яъни тақиқларга риоя қилиш, шартларни ўташ, шартлашиш шартларини бажариш тарзида намоён бўлади.

Мавжуд тадқиқотларда “тақиқ”, “шарт”, “шарт-синов”, “топшириқ”, “вазифа” тушунчалари қўлланилган, аммо “тақиқ” синов сифатида олиб қаралмаган эди. “Шарт”, “шарт-синов”, “топшириқ”, “вазифа” тушунчаларининг баъзан тенг қўлланилиши, баъзан улар орасида тафовутлар борлигини исботлашга уриниш ифодада чигаллик туғдирар эди. Синовни ифодаловчи “шартлашиш” шаклига алоҳида мотив сифатида қаралмас, алоҳида номланмай, балки “шарт” деб қабул қилинар эди. Биз бу алоҳида ҳодисани “шартлашиш” тарзида атаб, уни истилоҳ сифатида ҳам қўлладик. “Тақиқ”, “шарт”, “шартлашиш” синов мотивлари комплекси сифатида баҳоланди ва уларнинг семантик доираси, поэтик вазифалари аниқланди.

1. Бадий-эстетик ҳодисага айланиб улгурган тақиқ миф ва маросимлардаги тақиқлардан фарқли равишда, сюжетнинг кичик ҳалқаси сифатида эпик мазмун ифодалашга хизмат қилади. У синов мазмунини намоён этувчи яширин шарт бўлиб, айна шартга кўра қахрамонга муайян ҳаракат ман этилади. Бадий-эстетик ҳодиса мақомидаги тақиқнинг энг муҳим жиҳати шуки, тақиққа риоя қилмаслик асарда воқеалар ривожини юзага келтиради. Тақиқнинг поэтик жуфти эса тақиқнинг бузилишидир.

<sup>17</sup>Гринцер П.А. Кўрсатилган мақола. – С. 183.

<sup>18</sup>Кун Н.А. Қадимги Юнонистон афсона ва ривоятлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – Б. 20, 145.

<sup>19</sup>Қаранг: Степанова Н.М. Опыт использования гендерных квот в странах Западной Европы // Женщины в обществе: мифы и реалии. – М., 2001. – С. 15-33; Крюкова О.А. Женские инициативы в международной организации франкофонии: культура, общество, политика // Вестн. Моск. ун-та., 2014. – №4. – С. 98-106.

<sup>20</sup>Эрматов М. Этногенез и формирование узбекского народа. – Тошкент: Ўзбекистон, 1968. – 410 с.

Биз таҳлилга тортган эртақларда тақиқлар поэтик ҳодиса сифатида икки хил кўринишда, яъни соф тақиқ ва шартли тақиқ тарзида намоён бўлган.

Соф тақиқларга хос умумий хусусият шундаки, қаҳрамонлар улар ҳақида олдиндан муайян билимга, унинг оқибати ҳақидаги ахборотга эга бўлади. Бадиий мантиқ талабига кўра улар яна бир бор эслатилади, шунга қарамасдан бу тақиқлар бузилади ва воқеаларнинг янги оқими юзага келади. Соф тақиқ ўрнатилган эпик маконда қаҳрамоннинг эркин ҳаракати тўла чекланади.

Шартли тақиқларда қаҳрамонлар ҳаракатини шартли чеклаш мавжуд. Соф ва шартли тақиқлар ҳам синов мотивларининг анъанавий шакли бўлиб, уларда тақиқнинг анъанавий уч белгиси кузатилади, яъни ўрнатилган *тақиқ*, тақиқнинг *бузилиши* ва тақиқнинг *жазо* мотивига туташиши: тақиқ // тақиқнинг бузилиши → жазо. Соф ва шартли тақиқларнинг ички семантик турлари ҳам мавжуд.

2. Шарт – ўзида синов мазмун-моҳиятини ифода этадиган, майдонда, оммавий сахнада эълон қилинадиган, бажарилиши зарур бўлган топшириқдир. Шартнинг поэтик жуфти – шартнинг бажарилиши. Шарт қўйилиши билан воқеаларнинг янги оқими бошланади. Эртақларда кузатиладиган шарт мотивлари умумий мазмунига кўра никоҳга алоқадор, ижтимоий-маиший мазмундаги ҳамда ҳудуд (майдон) билан боғлиқ ички турларга ҳам бўлинади.

Шартлар топшириқни бажарувчиларнинг иштирокига кўра оммавий шартлар (оммавий сахнада эълон қилинадиган) ва йўналтирилган шартлар (бирор шахсга буюриладиган) тарзида намоён бўлади.

Эпик асарларда келувчи шарт мотивлари ҳам анъанавий уч белгига эга: бажариладиган *шарт*, бажарилган шарт эвазига бериладиган *мукофот*, бажарилмаган шарт сабаб *жазо* мотивига боғланиш: шарт → мукофот // жазо.

3. Шартлашиш ўзида синов мазмунини ифода этадиган ва келишувга йўналтирилган мотив бўлиб, уни матнда эпик вазият бошқаради. Шартлашиш эпик ҳудудлар чегарасида олиб борилади ва диалог бу мотивнинг бирламчи поэтик шаклидир. Тақиқлар ва шартлар айнан мана шу келишувга кўра ишлаб чиқилади, амалга оширилади. *Шартлашиш* → *гаровга ниманингдир тикилиши* → *шартлашишнинг амалга ошишини* шартлашишнинг уч поэтик белгиси сифатида кўрсатиш мумкин. Шартлашишнинг поэтик жуфти эса унинг бажарилишидир. Эртақлардаги шартлашишларнинг ҳам никоҳ билан боғлиқ, ҳомий кучлар ва кўмакчи топиш шарти билан алоқадор, шунингдек, эпик маконда илоҳий вазиятлар юзага келтирган, маросим билан бевосита боғлиқ бўлган, ижтимоий-маиший мазмундаги семантик турлари мавжуд.

Тақиқлар бузилган, шартлар бажарилмаган тақдирда жазо кўпинча ўлим шаклида берилади. Шартлашишларда ютқазилганда мағлуб гаровга тикилган нарсадан маҳрум бўлади (ўртага жон тикилган бўлсагина, ўлим мотивига туташади). Ҳар уч мотив образлар иштирокига кўра ҳам фарқланади. Тақиқ ўрнатувчи, одатда, номаълумлигича қолади ва

қахрамон тақиқ билан юзма-юз келади. Шартда шарт кўювчи ва уни бажарувчи юзлашади, аммо шартларнинг бажарилишида қахрамонгина қатнашади. Шартлашишларда гаров боғлашаётган тарафлар тенг иштирок этади.

Тақиқларни бузган ҳам, шартларни бажара олмаган, шартлашишларда мажбуриятни ўтай олмаган ҳам синовдан ўтмаган ҳисобланади. Улар умумий семантик белгиларига кўра синов мотивлари доирасида бирлашади, сюжетни шакллантиришда иштирок эта бошлайди. Ишда синов мотивларининг айна жиҳатлари ҳам батафсил таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг **“Ўзбек халқ эртакларида синов мотивлари семантикаси ва композицион белгилари”** деб номланган иккинчи бобида эртаклардаги тақиқ, шарт, шартлашув мотивларининг поэтик белгилари, семантик доираси ва типлари тадқиқ этилган.

1. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, эртакларда тақиқ магик воситадан эстетик ҳодисага айланган ва бунда тақиқнинг сирли шарт эканлиги янада ойдинлашади. Шунинг учун ҳам В.П.Аникин тақиқ сеҳрли эртакларнинг хос белгиси сифатида намоён бўлиши, эртакдаги сеҳрли ҳаракатлар табиати халқ магиясининг даволовчи, зарар келтирувчи, севги ва рўзғорга оид турли кўринишлари ва типларига мос келишини, бу маросимий магик ҳаракатларнинг барча шакллари эртакларда учрашини таъкидлайди<sup>21</sup>. Айрим ишларда тақиқнинг қахрамонлик мавзусидаги миф ва эртакларга хос мотив эканлиги айтилади<sup>22</sup>. Ўзбек халқ эртакларида ҳам тақиқнинг турли кўринишлари учрайди. У ҳайвонлар ҳақидаги ва сеҳрли эртакларда сюжетни ҳаракатга келтирувчи асосий мотив бўлиб келса, ҳаётий эртакларда, асосан, маълум сюжет ҳалқаларини боғлаш, туташтириш вазифасини бажаради.

Маълумки, *соф тақиқлар* ўрнатилган эпик маконда эркин ҳаракат тўла чекланади, улар умумий семантик белгиларига кўра никоҳга алоқадор, ижтимоий-маиший мазмундаги, шунингдек, худуд (майдон) билан боғлиқ ички турларга ажратилади. Қуйида уларнинг айримларини кўриб ўтамиз.

Никоҳ билан боғлиқ чекловлар тақиқларнинг илк шакллари бўлиб, унга кўра инсон ва бошқа мифологик олам вакиллари ўртасида никоҳ тақиқланади, никоҳда табақавий тафовутлар акс этади. Шунинг учун ҳам эртаклардаги никоҳга алоқадор тақиқлар мифологик образлар, қолаверса, ижтимоий тафовутни ифодаловчи никоҳ шакллари билан боғлиқликда намоён бўлади. Мифологик образлар билан боғлиқ бундай тақиқ намуналари “Қахрамон”, “Моҳистара”, “Булбулигўё” сингари эртакларда кузатилади. Масалан: “...пари халқининг танига одамзоднинг тани тегмаслиги керак”. Аммо бу каби тақиқлар бузилади ва эртак қахрамони кизни қутқариш учун мифологик жонзотлар маконига йўл олади, девни

<sup>21</sup> Аникин В.П. Русская народная сказка. – М., 1959. – С. 105.

<sup>22</sup> Мелетинский Е.М. Палеоазиатский мифологический эпос. – М.: Наука, 1979. – С. 21-32.



енгиб, қизни уларнинг чангалидан халос этади. Парилар бўлса ногоҳоний ўпич, ҳомий ёки кўмакчилар ёрдами сабабли қаҳрамонга турмушга чиқади.

“Булбулигўё” эртагида ҳам тақиқ намуналарини кўриш мумкин. Масалан, ўзини хотинликка сўраган шахзодага Маймун-пари шундай дейди: “Мен эр қилмайман, парилар подшосининг қизиман. Бу қизларга домламан. Эр қилсам, мени ўлдиришади”. Эртакта ифодасини топган айни тақиқ қадимий инонч-эйтиқодлар билан боғлиқ, албатта. Никоҳдаги маиший мазмун уруғга тегишли магик кучни сир тутиш, уларни ёт нигоҳлардан асраш тақиқлари замирида шаклланган.

